



DISTINCTIVE FEATURES OF STATE-RELIGION RELATIONS IN CENTRAL ASIA DURING THE EARLY MIDDLE AGES

Juraboy Toshkulov

Doctor of Legal Sciences, Professor

Head of Department at the Institute of State and Law

Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Central Asia, religion, state, Zoroastrianism, Judaism, Buddhism, Christianity, Manichaeism, Shamanism, Tengrism, interrelations, state religion, regulations, religious communities, social relations.

Abstract: the article analyzes the emergence of Zoroastrianism, Judaism, Buddhism, Christianity, Manichaeism, Shamanism, and Tengrism, their spread in Central Asia, their sources, their relationship with the state, and the social relations regulated by their norms. It also explores the essence and significance of interfaith relations in the region and draws relevant conclusions.

Received: 19.12.25

Accepted: 20.12.25

Published: 21.12.25

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ДАВЛАТ ВА ДИН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Жўрабой Тошқулов

Давлат ва ҳуқуқ институтининг бўлим бошлиғи

юримик фанлар доктори, профессор

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Марказий Осиё, дин, давлат, зардуштийлик, яҳудийлик, буддавийлик, христианлик, монийлик, шомонлик, тангричилик, ўзаро муносабатлар, давлат дини, тартиб-қоидалар, диний жамоалар, ижтимоий муносабатлар.

Аннотация: Мақолада зардуштийлик, яҳудийлик, буддавийлик, христианлик, монийлик, шомонлик, тангричилик динларининг пайдо бўлиши, Марказий Осиёда тарқалиши, уларнинг манбалари, давлат билан ўзаро муносабати, нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар, ўлкада динлараро

**ОСОБЕННОСТИ ВЗАИМООТНОШЕНИЙ МЕЖДУ ГОСУДАРСТВОМ И
РЕЛИГИЕЙ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В ЭПОХУ РАННЕГО СРЕДНЕВЕКОВЬЯ****Джурабай Таикулов***Заведующий отделом института Государства и права**Академия наук Республики Узбекистан**доктор юридических наук, профессор**Ташкент, Узбекистан***О СТАТЬЕ**

Ключевые слова: Центральная Азия, религия, государство, зороастризм, иудаизм, буддизм, христианство, манихейство, шаманизм, тенгрианство, взаимоотношения, государственная религия, нормы, религиозные общины, социальные отношения.

Аннотация: в статье анализируются возникновение зороастризма, иудаизма, буддизма, христианства, манихейства, шаманизма и тенгрианства, их распространение в Центральной Азии, источники, взаимоотношения с государством, а также социальные отношения, регулируемые религиозными нормами. Рассматривается сущность межконфессиональных отношений в регионе и делаются соответствующие выводы.

XX асрнинг охири XXI аср бошларига келиб жаҳонда юз берган муҳим воқеалардан бири – бу ижтимоий-сиёсий ҳаётда диний омилнинг фаоллашганидир. Ушбу даврга келиб диндан эзгу мақсадларда фойдаланувчилар билан бир қаторда ундан ғараз мақсадларда фойдаланишга ҳаракат қилаётган, диндан никоб сифатида фойдаланиб ҳокимиятни эгаллашга ва бойлик орттиришга интилаётган ижтимоий-сиёсий кучлар-ҳаракатлар, ташкилотлар, партияларнинг ташкил топиши, уларнинг халқаро, минтақавий ва алоҳида олган давлатларнинг хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётгани бутун инсониятни ташвишга солмоқда. Бундай таҳдидлардан Марказий Осиё ҳам мустасно эмас.

Шу муносабат билан Марказий Осиёда ўтмишда давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар қандай бўлганлиги, давлатнинг динга ва аксинча диннинг давлатга бўлган муносабатини илмий таҳлил қилиш, динлараро муносабатларнинг мазмун-моҳияти ҳақида аҳолига, биринчи навбатда ёшларга маълумот бериш илмий жамоатчилик олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Минтақамизда азалдан турли динларга эътиқод қилувчи халқлар, элатлар истиқомат қилиб келганлиги, улар ўртасида бир-бирини тушуниш, ўзаро иззат-ҳурмат, тотувлик, ёрдам, оғир кунларда қўллаб-қувватлаш, диний бағрикенглик ҳукм сурганлиги ва энг муҳими турли дин вакиллари диний фарқлар асосидаги низолар ва уруш-жанжаллардан йироқ бўлганлиги, улар ўзларининг ибодатларини эркин бажарганлиги, ҳеч

бир тўсиқларсиз расм-русумларини адо этганлиги, маросимларини ўтказганлиги, байрамларини нишонлаганлиги, бунинг учун давлат зарур бўлган шароитларни яратиб берганлигига ўқувчиларнинг эътиборини қаратиш мақоланинг асосий мақсадидир.

Кишилик жамияти тарихида дин ва давлатнинг пайдо бўлиши билан ушбу ижтимоий-сиёсий институтлар ўртасидаги ўзаро алоқалар ва ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимининг муҳим ва ҳал қилувчи турига айланди. Жамият тараққиётининг кейинги босқичларида давлат-дин муносабатлари тадрижий ривожланиш даврларини ўз бошидан кечирди. Уруғчилик тузуми илк даврида айрим минтақаларда дин бўлмаган, баъзи минтақаларда ҳар бир уруғнинг ёки бир неча уруғларни бирлаштирган қабиланинг дини бўлган. Диннинг дастлабки шакллари тотемизм, фетишизм ва анимизм қабилар бўлган. Кейинчалик миллий динлар иудаизм, ҳиндуизм, синтоизм, даосизм, конфуцийчилик, жаҳон динлари – буддизм, христианлик ва ислом динлари пайдо бўлган. Жаҳон динларининг пайдо бўлиши давлат ва дин ўртасидаги муносабатларнинг шаклланиши ва мустаҳкамланишида муҳим рол ўйнади.

Марказий Осиёга, шу жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига ислом дини кириб келганга қадар маҳаллий аҳолининг кўпчилик қисми эътиқод қилган дин – зардуштийлик дини бўлган. Тадқиқотчиларнинг гувоҳлик беришларича, Зардуштийлик милоддан аввалги VIII-VII асрларда қуйи Амударё ҳудуди ва Марғиёнада вужудга келган, динлар тарихида кўп ҳудудликка қарши якка ҳудудликни ёқлаб чиққан динлардан бири. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Зардуштийлик динига қадимий диний тасаввур ва эътиқодларни ислоҳ қилган илоҳиётчи, файласуф ва шоир Зардушт (Заратуштра, Зардуст, Зороастр) асос солган. Зардуштнинг қачон туғилгани ва вафот этгани ҳозиргача аниқланмаган. Ушбу масалада билдирилган фикр-мулоҳазалар турлича бўлиб, фақат тахминларга асосланади, уларнинг айримлари бир-бирини инкор қилади ҳам: Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича Зардушт Искандар Зулқайнар (Александр Макидонский) дан 258 йил олдин туғилган деб, вафот этган йили ҳақида маълумот бермайди. Фалсафа: комусий луғатда қайд этилишича, кейинги тадқиқотчилар, айниқса, “Авесто”нинг Готлар қисмини, унинг тили ва келтирилган тарихий даврларини чуқур таҳлил қилиш орқали Зардушт милоддан аввалги VIII асрда яшаб ижод этган, милоддан аввалги VIII асрнинг охири VII асрнинг бошларида вафот этган .

Адабиётларда қайд этилишича, Зардуштийлик дини Аряшаёна (Катта Хоразм) давлатини инқироздан сақлаб қолиш зарурати туфайли вужудга келган. Хусусан, мазкур давлат таркибида бўлган қабилавий динлар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериш ва умумий манфаатлар муштараклиги йўлида уларни бирлаштиришда, жамиятда барқарорликка эришишда, турли динларга эътиқод қилувчи уруғлар ва қабилаларни ягона

таълимот асосида бирлаштиришда, ўзаро урушларга чек қўйишда, мамлакатни ташқи душманлардан ҳимоя қилишда барча кучларни жипслаштиришда Зардуштийлик динининг вужудга келиши давр талаби эди.

Зардуштийлик дини мана шу талабга жавоб берадиган мафкуравий асос бўлиб хизмат қилди. Фалсафа: қомусий луғатда қайд этилишича, Зардушт одамларни Ахура Маздага сажда қилишга чақириб инсоннинг маънавияти тарихида янги босқични бошлаб берди. Биринчидан, у кўпхудоликка (политизм) қарама-қарши якка худолик (монотеизм)га, яъни, диний эътиқоднинг юқори босқичига қадам қўйган эди. Иккинчидан, илгари одамлар худолар қаҳридан, уларнинг даҳшатли вайрон қилувчи қудратлари олдида ожиз, қўрқув даҳшати остида сиғинишган бўлса, эндиликда эса Зардушт одамларни қалби кишиларга меҳр-шафқат билан тўлган, яхшилик томон ундовчи, уларнинг ўлиmidан кейин мангу фаровон ҳаёт билан таъминлай оладиган тангри Ахура Маздага ибодат қилишга чақирди.

Инглиз адабиётшунос олими Лоуренс Милл қайд этганидек: “Зардушт бизга ҳар бир хижоси андишалар билан тўлиб тошган сўзларни ёзиб қолдирди. Бу сўзлар қисқа ва лўнда айтилганлиги жиҳатдан дунёда тенги йўқдир. Уч минг йил бурун изҳор этилган бу дастурлар бугун ҳам бизга нажот бахш этади. Агар бу дастурларни кўриб, ўзимизни кўрмасликка солсак, ё уларни яширсак, бу бизнинг оқибатсиз ва кўрнамак эканлигимизнинг белгиси бўлур эди”. Олим ўзининг “Авесто” ҳақидаги пурмаъно, ўқувчини чуқур ва атрофлича фикр-мулоҳаза юритишга ундаб шундай деб ёзган эди: “Агар кишилик тафаккури бир дoston бўлса ва унинг кадр-қиммат борасида сўз юритилса, у ҳолда “Авесто” маънавиятнинг тарғиботчисидир”.

Зардуштийлик динининг асл моҳиятига юксак баҳо бериб рус академиги С.Ф. Ольденберг шундай ёзган эди: “Зардуштийлик ўз даврида инсоннинг ер юзида фаровон яшашга катта аҳамият берган энг олийжанаоб диндир” . Яна бир рус олими Ю.А. Рапопортнинг таъкидлашича: “Зардуштийлик ўтмиш динларининг энг кучлисидир” .

Буддавийликнинг Марказий Осиёга кириб келиши милоднинг I асридан бошланган. Бу жараён тадқиқотларда қайд этилишича, мазкур ҳудудда Кушонлар ҳукмронлиги билан боғлиқ ҳолда кечган. Кушон подшоҳи Канишка давлатни бошқариш даврида подшоҳлик буддавийликнинг марказларидан бири бўлган. Бу ерда буддавийликнинг ибодатхоналари қурилганлиги, давлат бошлиғи Канишка буддавийликка эътиқод қилганлиги, унинг тангаларига будда тасвири туширилганлиги, археологик қазиш ишларини олиб бориш жараёнида Будда ҳайкали қолдиқлари топилганлиги, буддавийлик ступасига ўхшаш миноралар қолдиқлари, турли меъморий буюмлар парчалари ва бошқалар аниқланганлиги, Будданинг ҳаёти айланишлари босқичларини ифодоловчи ҳўкиз, шер, фил, от рамзлари кенг тарқалганлиги, буддавийлик таълимотлари талаблари асосида қурилган архитектура

ёдгорликлари бўлганлиги, меъморий буюмлар, тошдан ясалган муқаддас ёдгорликлар, эҳсон келтирувчиларнинг шакллари туширилган ҳайкалларнинг ҳошияли плиталари, маросим буюмлари, ибодатхона безаклари, тошга ўйиб ёзилган буддавийликка алоқадор ёзувлар, буддавийлик анъаналари руҳида қурилган ибодатхоналарининг бинолари, уларнинг ички тузилиши ва ташқи қиёфаси, муқаддас Бодҳи дарахти остида ўтирган Будда ва унинг икки ёнида турган иккита монах ҳайкали, буддавийликка хос рамзли нақшли қолиплар, диний маросимларни бажариш учун қурилган алоҳида ибодатхоналар, роҳиблар ётоқхонаси, ошхонаси, улар фойдаланишган идиш-товоқлар ва бошқа буюмларнинг минтақанинг турли ҳудудларидан археологик қазилмалар жараёнида топилганлиги Марказий Осиё халқлари ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва ҳуқуқий ҳаётида буддавийлик динининг ўзига хос ўрни бўлганлигидан далолат беради.

Яҳудийлик — асосан яҳудийлар ўртасида тарқалган энг қадимги динлардан бири. Милоддан аввалги 1 минг йиллик бошларида Қуддус (Фаластин)да вужудга келган. Арабистон ярим оролининг шимолида кўчиб юрган яҳудий қабилалари милоддан аввалги XIII асрда Фаластинни босиб олдилар ва милоддан аввалги X асрда Исроил – Яҳудия давлатини туздилар. Яҳудийлик ана шу қабилаларнинг диний урф-одатлари ва Фаластин халқларининг айрим эътиқодларини ўзида мужассамлаштирган. Яҳудийлик номи Яҳудо (Иуда) қабиласининг номидан олинган.

Дастлаб яҳудийлик кўпхудолик (политеистик) дини бўлган. Милоддан аввалги X-VI асрларда яҳудийлик яккахудолик (монотеистик) динига айланган. Оламнинг яратувчи худо Яхвега эътиқод қилиш, Яхве ва яҳудийлар ўртасидаги аҳд (шартнома)га шак келтирмаслик, яҳудийлар худонинг мумтоз бандлари эканига, Мусо (Моисей)нинг пайғамбарлигига ва унга илоҳий китоб Таврот юборилганлигига, нариги дунёга, маҳдий (мессия)нинг келишига, охират куни барчанинг тирилишига, жаннат ва дўзахга, гуноҳкорларнинг жазоланиши ва савоб иш қилганларнинг рағбатлантирилишига ишониш яҳудийликнинг асосий ақидаларидир. Яҳудийлик динида хилма-хил ибодатлар, дуолар, урф-одатлар, рўза тутиш, хатна қилиш, озик-овқат соҳасидаги тақиқлар, шанба куни ҳеч қандай иш билан шуғулланмаслик, диний солиқлар ва йиғимлар каби талаблар жуда қатъий қилиб қўйилган. Яҳудийликнинг асосий диний китоблари – Таврот ва Талмуд бўлиб, уларда белгиланган бундай кўрсатмалар орқали диндор яҳудийларнинг турмуши, ахлоқий ва ҳуқуқий ҳаёти назорат остига олинган.

Фанда яҳудийликнинг 4 босқичи аниқланган: энг қадимий яҳудийлик (Библия даври), классик яҳудийлик (милоддан аввалги 536 ва милодий 70-йиллар), раввинлар даври ва янги давр яҳудийлиги (модернистик яҳудийлик). Энг қадимий яҳудийлик дини дастлаб Фаластиндаги икки давлат – Исроил ва Яҳудия давлатлари (милоддан аввалги XI-X

асрлар)нинг, кейинроқ улар бирлашгач, ягона яхудий давлатининг дини бўлган. Бу давр Таврот (Тора)да акс этган. Тадқиқотларда аниқланишича, унинг таркибига кирган матнлар оғзаки тарзда милоддан аввалги XI-VI асрлар ўртасида шаклланган. Милоддан аввалги V асрда ёзиб олинган. Бундан кейин яхудийликнинг классик даври бошланади. Милоддан аввалги 586 йилда янги Бобил подшоси Навуходоносор XI Яхудияни яксон қилди, салкам 30 минг яхудийни асирга олди. 50 йил давом этган “Бобил асирлиги” ва ундан кейинги даврларда минглаб яхудийлар Фаластинни тарк этдилар. “Қадимги аҳд” матнларининг асосий қисми ана шу даврда ёзилган. Милодий 70-йил Қуддус ибодатхонасининг кулаши ва Талмуднинг ёзилиши орасидаги вақт раввинлар давридир. Яхудий руҳонийлари Тавротни талқин ва тавсиф қилиш жараёнида вужудга келган Талмуднинг охириги таҳрири икки вариантда: Қуддус Талмуди IV асрда, Бобил Талмуди V асрда эълон қилинди.

VII-XVII асрларда яхудий руҳонийлари (раввинлар) диний ёзувлар – Таврот ва Талмудни тарғиб қилишни давом эттирдилар. Бу даврни акс эттирган жуда кўп раввин адабиёти вужудга келган. XVIII асрдан диний талабларни даврга мослаштириш, соддалаштириш ва енгиллаштириш ҳаракатлари авж олди.

Яхудийликда қадим замонлардан бошлаб хилма-хил мазҳаблар ва оқимлар вужудга келган, улар ўртасида кескин кураш борган. Милоддан аввалги II асрдан милоднинг II асригача фарисей, саддукей, ессеи, кумронлар жамоаси каби оқимлар вужудга келган. Ортодоксал яхудийлик билан бу мазҳаблар ўртасида кураш борган. Милоднинг I-II асрларида ортодоксал яхудийликка муҳолиф бўлган айрим оқимлар (яхудий-христиан секталари)нинг борган сайин яхудийликдан йироқлашиб бориши жараёнида христиан дини мустақил дин сифатида ажралиб чиққан.

Яхудийлик динигага эътиқод қилувчилар сони ҳозирги даврда 100 миллион нафарга яқинни ташкил этади, уларнинг учдан бир қисми АҚШдадир.

Таврот (ивритча: תּוֹרָה - "тора" — таълимот, қонун) — иудаизм динининг муқаддас китоби. Таврот 5 та китоб (Ибтидо, Чикиш, Ловий, Сонлар, Иккинчи қонун)нинг умумий номи. Иудаизм ва ислом ақидаси бўйича, Таврот Аллоҳнинг Мусога а.с Жаброил а.с орқали туширган китоби. Кўпинча у “Мусо қонунлари” деб ҳам аталади. Таврот ёзувлари оғзаки тарзда мил. ав. XI-VI асрлар ўртасида шаклланган. V асрда Фаластинда китоб шаклига келтирилган. Тавротда дунёнинг яратилиши, Одамато, Момоҳаво, тўфон, Бобил минораси ва тиллар чатишуви, илк яхудий пайғамбарлари, яхудийларнинг Мисрдан чиқиб асирликдан қутулиши, уларга Фаластинни муқаддас ер сифатида берилиши, Мусонинг худодан олган кўрсатмалари, Яхвага сиғинишнинг бошланиши, диний ақида, тартиб ва маросимлар, яхудийларнинг 40 йил Синай ярим оролда кўчманчиликда ҳаёт кечириши, яхудийлар худо томонидан танланган халқ экани баён қилинади. Тавротни асрлар давомида

талқин ва қайта талқин этиш натижасида иудаизмнинг яна бир муқаддас китоби — Талмуд шаклланган.

Қуръонда Таврот ҳақида бир қанча оятлар бор. Қуръонга кўра, Инжилдаги каби Тавротда ҳам яҳудийлардан бўлмаган Аҳмад исмли пайғамбарнинг дунёга келиши ҳақида айтилган. Мусулмон адабиётида “Қадимги аҳд” да учрайдиган барча китобларни Таврот деб атайдилар.

Илк жаҳон динларидан бири буддизмга милoddан аввалги VI-V асрларда яшаб ижод этган шахзода Сидхартха Гаутама асос солган. Дастлаб буддизм Ҳиндистоннинг шимолий-шарқида, сўнгра Хитой, Тибет, Жанубий-Шарқий Осиё, Япония, Мўғулистон каби давлатларда кенг тарқалган. Милодий аср бошларида ҳозирги Марказий Осиё ҳудудининг асосий қисми таркибида бўлган Кушонлар давлатида буддизм давлат дини мақомини олган. Ўрта асрларда буддизмга эътиқод қилувчилар бир қатор йўналишлар, мактаблар ва секталарга бўлиниб кетди. Улар Осиёнинг турли минтақаларида истиқомат қилувчи аҳоли орасида буддизмни ёйишди. Хусусан, буддизмнинг қадимги анъаналарига содиқлар йўналиши вакиллари ўз таълимотини Шри-Ланка ва Жанубий-Шарқий Осиёнинг материгида ташвиқот-тарғибот қилган бўлса, янгича ёндашувчилар вакиллари ўзларининг таълимотини Хитой, Корея, Япония ва Тибетда ёйишга ҳаракат қилишди. XV асрдан бошлаб Осиё қитъасига кела бошлаган европаликларнинг айримлари буддизмни қабул қилишди. Улар буддизм таълимотини Англия, Германия ва АҚШда ташвиқот-тарғибот қилиш билан шуғулланди, ўз диний жамоаларини ташкил этишди. Хитойлик ва япониялик муҳожирлар эса буддизм таълимотини Гавай ороллари ва АҚШнинг ғарбий соҳилларида ёйишда муҳим рол ўйнади. Ҳозирги даврда буддизм Шри-Ланка, Мьянма (Бирма), Тайланд, Лаос, Камбоджа, Вьетнам, Тибет, Бутан ва Япония каби давлатларнинг асосий дини сифатида эътироф этилган. Буддизмнинг асосий манбалари – муқаддас матнлари “Лалитавистра” (“Будда ҳаёти”), “Трипитака” (“Уч сават донолик”), “Винояпитака” (“Ахлоқий маъёрлар”), “Суттапитака” (“Дуолар”), “Абхидхаммапитака” (“Диний-фалсафий масалалар баёни”), “Дхаммапада” (“Будда фикрлари, ғоялари”) кабилардир. Ўрта асрларда Марказий Осиёда буддизмга эътиқод қилувчиларнинг жамоалари бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Буддизмнинг Марказий Осиё бўйлаб тарқалишида милoddан аввалги биринчи асрда ва милoddнинг тўртинчи асрлари оралиғида Кушон империясида ушбу диннинг маҳаллий йўналиши давлат дини деб эълон қилинди. Канишка Вима, Кадфиз ва улардан кейинги императорлар Буддизмнинг кенг ёйилиши учун зарур бўлган ташкилий ва маданий-маърифий чораларни кўрди. Бу дин таълимотини ва анъаналарини амалга ошириш учун Балх, Марв, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Шош, Туркистон, Кува, Косон, Ўш, Болосоғун,

Қошғар ва бошқа шаҳарларда такагоҳлар, хонақоҳлар, ибодатхоналарини куриб буддизмнинг муқаддас китоблари Сутра ва Пастриларни ўрганиш, таржима қилиш ва шарҳлаш учун шароит яратдилар.

Буддизм таълимотининг Марказий Осиё бўйлаб тарқалишида маҳаяна йўналишининг Сарвастивада ва Махасангхика мактаблари вакиллари катта рол ўйнашган.

Археологик қазилмалар натижаси ўлароқ ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида Айритом, эски Термизда, Фаёзтепада, Қоритепада, Далварзинтепада, Кувада, Тожикистоннинг Ажинтепа, Уштурмулло, Кофир-қалъа, Каллои-Кофирнигон, Варанг, Хишт-тепа, Ланган-Кишт, Гиссар манзилгоҳларида, Панжикент шаҳрида, Ҳисор ва Вахш водийларида, Фарбий ва Шарқий Помирда, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг Туртқўл, Антоновка, Қибалғушн, Қизилкент, Аблакит, Сокулук, Қуйруктепа (Кедер), Талгар (Тальхар), Новопкровск, Новопавловск, Кен Булун, Бўрон каби манзилгоҳларида, Чуй ва Ётисув водийларида, Туркманистоннинг Марв шаҳрида, Гяур қалъасида аниқланган ибодатхоналар, монастирлар, роҳиблар тураржойлари, мажмуа ва миноралар қолдиқлари, тошдан ясалган муқаддас ёдгорликлар, мусиқачилар ва эҳсон келтирувчиларнинг қиёфаси туширилган ҳайкалларнинг ҳошияли тош плиталари, ибодатхона буюмлари, буддизмга этиқод қилувчилар фойдаланган идиш-товоқлар, исирикдонлар, муқаддас дарахт, осмон ёриткичлари (куёш ва юлдузлар) тасвири туширилган сопол парчалари кабилар Марказий Осиёда буддизмнинг кенг тарқалганидан далолат беради.

Насимхон Раҳимнинг ёзишича, “Биринчи турк ҳоконлари ҳокимият барпо бўлгандан бошлаб, катта империяни бошқариш ва ушлаб туриш учун буддизм қудратли ғоявий омил бўлади, тушундилар. Чамамда, бу даврда шомон дини ҳам бўлган-у, лекин стихияли тарзда бўлиб мавқеини унчалик мустаҳкамлаб олмаганди... Ўрта ва Марказий Осиёда шомонлик бора-бора умумий дин бўлиб қолди. Турган гапки, ҳаммабоп дин таркиби жиҳатдан турли ҳокимиятда умумий ғояни шакллантиришга хизмат қилди. Ҳар бир қабила ўз дини ва худосига эга бўлган пайтда умумий дин бирлик, ҳамкорлик учун катта аҳамиятга эга эди. 581 йилдаги ижтимоий танглик буддизмнинг мавқеига путур етказди. Иккинчи турк ҳоконлигида бу дин ўз аҳамиятини йўқотди ва шомонлик мустаҳкам ўрнашди”.

Христианлик биринчи асрнинг иккинчи ярмида Рим империясининг шарқий қисмида – Фаластинда истиқомат қилувчи яҳудийлар ўртасида пайдо бўлган, 311 йилда расман руҳсат берилган дин мақомини олган, Рим императори Константин 324 йилда христианликни давлат дини деб эълон қилган, 325 йилда императорнинг кўрсатмаси билан дунё христианларининг биринчи йиғини – Никей собори чақирилган, унда епископлар ва илоҳиётчилар христианликнинг асосий ақидаларини тасдиқлаганлар, черков қонун-

қоидалари ёзилган китобларни қабул қилганлар ҳамда черков ташкилотини тугал ҳолга келтирганлар.

Христианликнинг муқаддас китоби “Библия” бўлиб, у икки қисмдан иборат: “Эски Аҳд” ва “Янги Аҳд”. Биринчи қисм иудаизм динининг муқаддас китоби “Таврот” ҳисобланиб, христиан дини пайдо бўлгангача яратилган. “Библия”нинг иккинчи қисми бевосита христианлик билан боғлиқ, унинг муқаддас манбаи ҳисобланади. “Библия”нинг “Янги Аҳд” қисми 27 китобдан иборат. Уларнинг 4 таси “Инжил” (“Евангелия – хушхабар”), хаворийларнинг – Исо шогирдлари, христианликнинг дастлабки тарғиботчилари – амаллари, 21 рисоласи ва Иаанн (илоҳиёт олими) “Ваҳийнома”сидан иборат. 1054 йилга келиб, диний таълимотларни талқин этиш, янги ташкил этилган черковлар фаолиятини назорат қилиш, даромадларни тақсимлаш каби масалалар бўйича келишмовчиликлар оқибатида христианлик католик (бутун дунё) ва православ (чин эътиқод) черковларига бўлиниб кетди. XVI асрдаги Реформация (Ислохотчилик) ҳаракати таъсири остида Европадаги қатор черковлар православдан ажралиб чиқиб ўзларининг черковларини ташкил қилишди. Натижада, христианликда учинчи оқим – протестантлик вужудга келди.

Сўнги маълумотларга кўра, ер юзидаги христианлик динига эътиқод қилувчиларнинг сони 2,5 млрд.дан ортиқ. Христианлик Европа, Жанубий Америка, Шимолий Америка, Жанубий Африка ва Шарқий Осиёда кенг тарқалган динлардан бири. АҚШ, Бразилия, Мексика, Россия, Филиппин, Нигерия, Хитой, Конго, Германия, Эфиопия давлатлари аҳолисининг кўпчилигини христианликка эътиқод қилувчилар ташкил қилади.

Христианликнинг Марказий Осиёга кириб келиши бўйича тадқиқотчиларнинг фикри турлича. Тадқиқотчи Э. Ибрагимовнинг қайд этишича, 334 йилда Марв шаҳрида христиан епархияси мавжуд бўлган, кейинчалик Самарқанд, Хоразм, Талас, Етгисув каби шаҳарларда христианлик черковлари фаолият олиб борганлиги ҳақидаги маълумотлар бор. У. Ҳасанбоевнинг ёзишича, “Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги дастлабки мустақил католик епархияси 1340 йилда Урганч шаҳрида ташкил этилган. XIX аср охирларида Туркистонга поляклар, чехлар, литваликларнинг кўчиб келиши ҳамда биринчи жаҳон уруши даврида асир тушган немис, поляк ва австрияликларнинг мазкур ҳудудга сургун қилиниши натижасида католиклар сафи кенгайиб борган”. Адабиётларда христианликнинг Марказий Осиёга кириб келиши Сурия ва Эрон орқали юз берганлиги ҳамда ушбу жараёнда Буюк ипак йўли муҳим кўприк ролини ўйнагани, минтақага кириб келган христианлар орасида несторианларнинг тарафдорлари кўпчиликти ташкил қилганлиги, Хоразмда “мулкийлар” оқими вакиллари бўлганлиги, улар миссионерлик, табиблик, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланганлиги, шунингдек, уларнинг айримлари илмий изланишлар олиб боргани,

давлат хизматчиси бўлгани, бу заминда христианликнинг монофизит оқими вакиллари истиқомат қилганлиги ҳақида ҳам маълумотлар учрайди .

Бошқа тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, христиан динининг дастлабки вакиллари Мовароуннаҳрга VI асрдан бошлаб кириб келганлар. Улар ўзларининг фикрларини асослашда археологик қазилар жараёнида Уструшан, Сўғд ва Шошда топилган тангаларда Несториан хочларнинг акс этганлигига таянишади. Халқаро савдо муносабатларида етакчилик қилган сўғдийлар Шарқий Туркистонга христианликни кириб боришида муҳим рол ўйнаган. Сўғд савдогарлари орасида несториан таълимотига эътиқод қилувчилар ҳам бўлган. Никитиннинг ёзишича, Самарқандга христианликнинг кириб келиши патриарх Ахай (410-415 йй.) фаолияти билан боғлиқ ҳолда кечган. Шунингдек, XI асрнинг биринчи ярмида Самарқандда несторианлар метрополити бўлганлиги, бу ерда XIII асрнинг иккинчи чорагида Иоанна Креститель барпо этилганлиги, X асрга оид манбаларда қайд этилишича, христиан черкови ўрнида Бани Хонзода масжиди қурилганлиги, ҳозирги Самарқанд вилоятининг Ургут туманида христианлар монастири бўлганлиги, несторианлик билан Византия православ черкови ўртасидаги зиддиятларга Қадимги Руснинг аралашуви натижасида несторианлик инқирозга учраганлиги, Ўрта Осиё чор Россияси томонидан босиб олингангача бу минтақада христианлик жамоаси фаолиятига чек қўйилганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ўзининг жуғрофий жойлашуви бўйича Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларидан фарқ қиладиган Хоразмга христианликнинг кириб келиши тадқиқотларда қайд этилишича, VIII асрга тўғри келади. Абу Райхон Берунийнинг берган маълумотларига кўра, Хоразмда христиан байрамлари нишонланган, алоҳида христиан черкови бўлган. Хоразм кейинчалик христианликнинг православ йўналишининг йирик маркази ҳисобланган, бу ерда ўрта асрларга оид манбаларда ёзилишича, православларнинг алоҳида епархияси бўлиб, унинг епископлари Константинополдан эмас, Суриянинг Антиохийси томонидан тайинланган, VII асрда Хоразмда архиепископлик бўлиб, у Қирим митрополияси таркибига кирган, бу Хоразм аҳолиси билан христианлар ўртасидаги алоқалар ривожланганлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, В.Н. Ягодин раҳбарлигида амалга оширилган археологик қазилмалар натижасида Миздакхон шаҳарчаси қолдиқлари орасида христианлик динининг рамзи бўлган хочнинг бўлиши, христианлик қоидалари асосида кўмилган юздан ортик кишининг қабрлари топилиши, Кердер шаҳарчаси қолдиқлари орасида топилган косага туширилган кабутар, илон ва балиқларнинг расмларининг (коса тахминан IX-X асрларда тайёрланган) христианликка алоқаси борлиги, Самарқанд вилоятидаги Дарғом каналининг чап қирғоғидаги Қуштепа манзилгоҳидан топилган муҳрда христианларга хос узун кийим ва дабдабали (ҳашаматли) бош кийим кийган икки эркак кишидан бирининг бир қўлида

китоб, баланд кўтарилган иккинчи кўлида хоч ушлаган, иккинчисининг тиззалаб турган ҳолатдаги расми акс эттирилиши тадқиқотчиларнинг фикрича, христианликка қабул қилиш – чўқинтириш маросими билан боғлиқлиги, манзилгоҳдаги айлана залли бинонинг тузилиши Византиядаги христианлар черкови тузилишига ўхшаши, Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонидан топилган X-XI асрларга оид қабрларда несторианлар хочининг борлигининг тадқиқотчилар томонидан аниқланиши, X асрда сайёҳ Ибн Хавқал Самарқанд шаҳридан 40 км узоқликда жойлашган Вазгард манзилгоҳида христианлар черкови борлиги ҳақида гувоҳлик бериши, манзилгоҳдан топилган қазилмалар (1995-1997, 1999, 2004-2006 йилларда амалга оширилган археологик изланишлар натижасида топилган) орасида металдан ясалган хоч, хоч расми акс эттирилган керамика (сопол) идишлар, Варахша кўрғонида амалга оширилган қазилмалар пайтида топилган несторианлик рамзларини ўзида акс эттирган. Мис тангалар, Афросиёб кўрғонидан топилган тангаларда VII асрдаги Сўғд подшоҳи Шишпир бошининг икки тарафида иккита хочнинг акс этганлиги, Самарқанд вилояти Постдарғом тумани ҳудудидаги Дурмонтепа кўҳна шаҳри қолдиқлари орасидаги қабрлардан топилган олтиндан ясалган несториан хочи, Тошкент вилояти ҳудудидаги Канка – Харашкет (Оҳангаронга яқин жойда) дан топилган христиан динига алоқадор бўлган рамзлари акс эттирилган тангалар, турли идишлар, буюмлар, илиб қўйиладиган турли материаллардан ясалган безаклар, кўҳна Култепа (Ўрта асрларда Собат) шаҳри қолдиқлари орасидан топилган бирор нарсага илиб қўйиладиган безак, Устуршаний подшоҳи Рахач III зарб этган тангаларда акс эттирилган христиан хочи, эски Ховос қолдиқларидан топилган хоч расми тушурилган идишлар, Термиз шаҳридан топилган христианларнинг тахминан VII-VIII асрларда қурилган черкови, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги кўҳна Жондавлаттепа шаҳри қолдиқлари орасидан топилган христиан рамзлари акс эттирилган турли идишлар, 2012 йилда Шурчи туманида амалга оширилган қазилмалар пайтида топилган Византия қироличаси қиёфаси акс эттирилган тилла тангалар (М.Э. Массон фикрича, маҳаллий христианлар томонидан олиб келинган бўлиши мумкин), X-XI асрларда қурилган деб тахмин қилинаётган Кува шаҳридаги уй қолдиқлари орасидан топилган кумуш хоч, XI-XII асрларда ясалган деб тахмин қилинаётган христианликка оид идиш қапқоғи топилганлиги тадқиқотларда қайд этилади .

Христиан динининг Марказий Осиёда тарқалиши билан боғлиқ юқорида зикр этилганлар шундан далолат берадики, ушбу ҳудудга Ислом дини кириб келганга қадар христианлик бу ерда энг кенг тарқалган динлардан бири бўлган. Бу биринчидан. Иккинчидан, Марказий Осиёга ислом динининг кириб келиши билан бошқа динларга эътиқод қилувчиларнинг исломга даъват этилиши, исломни қабул қилмаганларнинг жизъя – жон солиғи тўлашга мажбур этилиши, христиан черковлари ўрнида масжидларнинг

қурилиши христианликка эътиқод қилувчилар сонининг камайишига сабаб бўлган. Учинчидан, Марказий Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олинishi, бу ерда босқинчилар ҳукмронлигининг ўрнатилиши, Чингизхон юсуллари (Ёсоқлари) асосидаги бошқарув, солиқ ва жазо тизимининг ўрнатилиши бу ҳудудда христианлар сонининг янада камайиб кетишига олиб келган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Тўртинчидан, христиан динининг Марказий Осиёда тарқалиши чор Россияси томонидан ўлкани босиб олиниб бу ерда мустанлакачилик бошқаруви ва тартиб-қоидалари ўрнатилгандан кейин кучайди. Бу борада чор Россиясининг губернияларидан христиан динига эътиқод қилувчиларнинг оммавий тарзда кўчириб келтирилиши ва биринчи жаҳон урушида асир тушганларнинг Туркистон ўлкасига сургун қилиниши муҳим рол ўйнади.

Марказий Осиёга ислом дини кириб келганга қадар бу ерда монийлик динига эътиқод қилувчилар ҳам бўлган. Ушбу диннинг асосчиси милондин 216 йилда туғилган Месопотомиялик Моний ибн Фатак бўлган, унинг аجدодлари парфиялар уруғига мансуб бўлган. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, монийлик зардуштийлик, буддавийлик ва христианлик динларининг айрим хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Манбаларда қайд этилишича, Моний бир қатор асарларни ўз она тили – оромийда ёзган. Унинг таълимоти “Шобурақон”, “Канз ул-ихё” (“Тирилганлар хазинаси”), “Жабборлар ҳақида”, “Силар китоби”, “Авантелион”, “Кефалак”, “Бунгохик”, “Бунгоҳанг” каби китобларида баён этилган. Моний Марказий Осиё, Эрон, Ҳиндистонда бўлиб уларнинг дини, маданияти, илм-фан ютуқлари, аҳолисининг турмуш тарзи, этник таркиби, урф-одатлари, анъаналари, диний конфессиялараро муносабатлар, давлат билан диний конфессиялар ўртасидаги алоқалар каби билан танишиб тегишли ҳулосалар чиқарган. Кейинчалик унинг ҳаёти ва фаолияти Марказий Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудудида кечган.

Моний 273 йилда Эронга келиб мамлакат ҳукмдорларини ўзи асос солган динга эътиқод қилишга даъват этиш билан шуғулланган. Унинг бу ҳаракати эронликларнинг кескин қаршилигига учраган. Моний 275 йилда Эрон шоҳи Баҳром II нинг топшириғи билан ҳибсга олиниб зиндонбанд қилинган ва 277 йилда қатл этилган.

Монизм (монихийлик) унинг асосчиси вафотидан кейин Яқин Шарқ, Марказий Осиё, Ҳиндистон, Хитойда кенг тарқалган. 762 йилда Уйғур салтанатининг ҳукмдори Беги-хоқон монихийлик динини қабул қилиши муносабати у давлат дини мақомини олган. Уйғурстоннинг айрим минтақаларида XI асрнинг бошларигача ўзининг ушбу мақомини сақлаб қолган.

Кейинчалик Осиё қитъасининг катта қисмида ислом динининг тарқалиши муносабати билан монийлик таълимоти ижтимоий ва маънавий ҳаётдан сиқиб чиқарилган. XIV асрда Хитойда ушбу дин тақиқланган.

Адабиётларда монийлик дини тарғиботчилари туркий халқлар орасида уларнинг тилларида фаолият олиб борганлиги, улар буддавийларга тақлид қилиб ўз ибодатхоналарини қурганликлари, ушбу диннинг туркий халқлар орасида тарқалишида сўғдликларнинг роли катта бўлганлиги, Самарқандда монийларнинг монастри фаолият олиб борганлиги ҳақида маълумотлар бор .

Я. Бичурин маълумотларига таяниб Насимхон Рахимнинг қайд этишича, туркийлар орасида шомонлик одатлари кенг тарқалган. Уларга биноан “1) хоқон қароргоҳига Шарк томондан киритилган, бу билан кун чиқиш тарафга ҳурмат маъносини ифодалаган, айна пайтда қуёшга сиғинишни ҳам билдиради; 2) ҳар йили хоқон ўз амалдорлари билан ғорга бориб, ота-боболари руҳига қурбонлик келтирганлар; 3) ҳар бешинчи марта ой чиқишида ва ўша ойнинг ўртасида хоқон яқинларини йиғиб, дарё бўйига борган, осмон руҳи (тангри)га қурбонлик келтирганлар”.

Марказий Осиёга Ислом дини кириб келишига қадар туркий халқлар эътиқод қилган динлардан бири – тангричиликдир. “Марказий Осиё динлари тарихи” муаллифларининг ёзишларича: “Қадимги турклар асосини Тангрига (само) ва Заминга (ер-сув) сиғиниш ташкил этади. Бунда самога сиғинишга асосий эътибор берилган. Тангрининг хоҳиши билан хоқонлар элни идора қилган. Шунингдек, Тангри хоҳиши билан хоқонлар зафар қучганлар ёки мағлуб бўлганлар. Аҳамият жиҳатидан ундан кейинги ўринни Маъбуда Умай – оила ва болалар ҳимоячиси эгаллаган. Шунингдек, туркий тилларда сўзлашувчи қабилаларнинг эътиқодлари ичида салмоқли ўринни муқаддас тоғлар ва ғорларга зиёрат қилиш ташкил этди. Туркий асотириларга кўра, она бўри турклар аجدодини ғорда тукқан. Шу сабабли бироқ, хоқон бир йилда бир маротаба тоғдаги ғорларга келиб, қурбонлик қилган. Туркий халқлар тасаввурларида ер-сув, ўрмон ва тоғларни кўпдан-кўп арвоҳлар эгаллаб туради. Вақти-вақти билан қурбонликлар келтириб, уларни тинчитиб туриш лозим бўлган. Ривоятларга кўра, ер ости салтанати мавжуд бўлиб, ўлган кишининг руҳи у ерга кўчиб ўтади ва уни ўлим худоси ва ер ости ҳукмдори Эрклиг бошқаради” .

Қадимги туркий ва қадимги олтой халқларининг дини бўлган тангричилик дини таълимотига кўра, оламнинг яратувчиси ва бошқарувчиси Тангри (мўғ. Тенгер – осмон; худо), кўк осмон ва кўнғир (муқаддас) ер, сув қўшилишидан туркий халқ илк бора вужудга келган, ундан эса барча халқ, элат, миллат, уруғ, қabila, қавмлар келиб чиққан, инсон ўз ақл-заковати билан олам, борлиқ ва унинг қонунларини билишга қодир. Инсон Тангрининг бандаси, қули эмас, балки ўз тақдирини ўзи яратувчи зотдир, у ақл-заковат, билим ва ижод соҳиби, инсонларга давлатни, сиёсий ҳокимиятни Кўк тангри берган, лекин давлатни ташкил қилиш, бошқаришни амалга ошириш инсон ақл-заковати, салоҳияти ва мақсадига боғлиқ, Кўк тангриқонунларни юборган бўлса-да, уларнинг ижросини назорат қилмайди,

давлат бошлиқлари – хоқонлар адолатли қонунлар таъсис этиб уларнинг ижросини таъминлашни ўз сулоласи вакиллари зиммасига юклайди, фуқароларнинг қонунни ҳурмат қилиши, уни эътироф этиб, унга оғишмай риоя қилиши билан боғлиқ чораларни кўради.

Турк хоқонлиги аҳолиси турмуш-тарзи, этник таркиби, касби-кори, тили, диний эътиқоди, маданиятига кўра хилма-хил бўлган. Ҳар бир уруғ қабилаининг ўз дини бўлиб, ҳеч бир тўсиқларсиз ўзларининг диний ибодатларини бажарган, расм-русумларини адо этган, маросимларини ўтказган, байрамларини нишонлашган. Лекин уларнинг барчаси тангрини ягона худо сифатида эътироф этишган. Кул тигин ёдномасига кўра: “Юқорида кўк тангри (яъни осмон) пастда қора ер қилинганда, иккисининг ўртасида инсон болалари яратилган”.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, турли динларга эътиқод қилувчиларнинг ибодат қилиши, диний расм-русумларни адо этиши, ўз байрамларини нишонлаши, диний жамоаларини ташкил этиши, уларга аъзоликка қабул қилиши, ибодатхоналарини қуриши, рухонийларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, вазифалари, ваколатлари, ўз раҳбарларини сайлаш (тайинлаш) тартиби, диний жамоаларнинг ички тартиб қоидалари, уларни бузганлик учун жавобгарлик, диндорлар ўртасидаги мулкӣ, оилавий ва меросхўрлик билан боғлиқ муносабатлар ҳар бир диннинг манбаларида белгилаб қўйилган нормалар билан тартибга солинган. Бу масалаларга давлат аралашмаган. Давлат ва унинг тегишли органлари динлараро муаммолар келиб чиққанда ва бутун мамлакатда ўрнатилган тартиб-қоидалар бузилганда аралашган. Айрим динлар, масалан, христианлик ва буддавийликнинг манбаларида черковнинг давлатга, бошқа дин вакилларига бўлган муносабатини тартибга солувчи қоидалар ҳам бўлган.

Ислом тарихи бўйича таниқли олимларнинг таъкидлашича: “... ислом кириб келмасидан олдин Ўзбекистонда ўндан ортиқ диний йўналиш мавжуд бўлган экан. Аммо, Ўзбекистоннинг қадимги тарихида диний мутаассиблик ёки адоват умуман диний асосда қирғинбарот урушлар юз бергани ҳақида биронта тарихий ҳужжат учрамайди. Истами хоқон (Ғарбий турк хоқонлиги бошлиғи – Ж.Т.) бағрикенг ҳоким бўлиб чиқди. У ўлкада амалда бўлган барча динларга бемалол йўл қўйиб берди. Балки, у диний жараён объектив қонунларга бўйсунганини яъни инсон иродаси унга зуғум қилиш бефойда эканлигини англаб етганди. Қандай бўлганда ҳам халқимиз диний тафаккури тараққиётининг ислом кириб келгунга қадар даври минтақада ўндан ортиқ динлар мавжуд бўлгани ва улар ўзаро адоватдан холи экани билан ҳарактерланади.

Юқорида билдирилган, Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда давлат ва дин ўртасидаги муносабатларга ҳулоса ясаб шуни алоҳида қайд этиш лозимки, биринчидан, минтақамиз азалдан кўп конфессияли минтақалардан бири бўлган. Иккинчидан, ушбу маконда диний бағрикенглик, бир-бирини тушуниш, ўзаро иззат-ҳурмат, ҳамкорлик, турли динларга

эътиқод қилувчилар ўртасида дўстлик, ўзаро ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш одатий ҳол бўлган. Учинчидан, Илк ўрта асрларда минтақада фаолият олиб борган давлатлар динлараро тотувликни таъминлашнинг зарурий ташкилий-ҳуқуқий чораларини кўрган. Тўртинчидан, давлат динларнинг ички ишларига, динлар давлатнинг ишларига аралашмаган. Бешинчидан, у ёки бу дин давлат дини сифатида эътироф этилган давлатларда давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, давлат бошлиғининг ҳуқуқий мақоми, давлат органларини ташкил қилиш, уларнинг вазифалари, фаолиятининг асосий йўналишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилашда давлат дини таълимоти мафкуравий асос бўлган. Олтинчидан, барча динларга эътиқод қилувчилар мамлакатда ўрнатилган тартиб-қоидаларга амал қилишлари, давлат томонидан белгиланган солиқларни тўлашлари ва бошқа мажбуриятларни бажаришлари шарт бўлган. Еттинчидан, мамлакатда ўрнатилган умумий тартиб-қоидаларни бузганлар тегишли давлат органлари томонидан жавобгарликка тортилган. Саккизинчидан, диний жамоалар ўзларининг ички тартиб-қоидаларини белгилашда, аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишда, ўрнатилган тартиб-қоидаларни бузганларга чора кўришда мустақил бўлганлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Фалсафа: Қомусий луғат. Т.: “Шарқ”, 2004. – 496 б.
2. Бобоев Ҳ., Ҳасанов С. “Авесто” – маънавиятимиз сарчашмаси. Т.: “Адолат”, 2001. – 160 б.
3. IUDAISM. <https://qomus.info/oz/encyclopedia/i/iudaizm/>
4. Ислом. Энциклопедия. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. – 318 б.
5. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. – 760 б.
6. Исломшунослик қомусий луғати. Т.: Мовароуннаҳр, 2013. – 272 б.
7. Ҳасанбоев У. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. Т.: Тошкент ислом университети, 2014. – 552 б.
8. Насимхон Р. Турк ҳоконлиги. Т.: “А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти”, 1993. – 144 б.
9. Религии Центральной Азии и Азербайжана христианство. Том IV. Христианство. – Самарканд: МИЦАИ, 2018. – 296 с.
10. Ёвқочев Ш., Исоқов М. ва бошқалар. Марказий Осиё динлари тарихи. Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006. – 207 б.

11. Ислом тарихи. Дарслик. Хасанов А., Комилов Н., Увватов У. ва бошқалар. Т.:
Тошкент ислом университети, 2009. – 304 б.